

Расулова Дилфузә Валиевна
ТМИ профессори, и.ф.д.

Жумаев Курбонмурот Хуррамович
ЎзР ДСҚ КҚТ ва СТМ доценти, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

Аннотация: Уибу мақолада Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар экспорт ва импортининг ижобий ва салбий хусусиятлари, экспорт ва импортни ривожланшида олиб борилаётган иқтисодий муносабатлар, экспорт ва импорт таркиби каби масалалари ёритиб берилган.

Аннотация: В этой статье рассматривается важность внешней торговли в Узбекистане, ее значимость в развитии экономики, положительные и отрицательные особенности экспорта и импорта товаров и услуг в экономике страны, экономические отношения в экспорте и импорте.

Abstract: This article examines the importance of foreign trade in Uzbekistan, its importance in the development of the economy, the positive and negative features of exports and imports, of goods and services in the country's economy, economic relations in exports and imports.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақил овозига эга бўлган давлат даражасига кўтарилиди ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Дунёдаги саноати ривожланган етакчи мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатмоқда. Икки ва кўп томонлама манфаатли алоқалар тобора ривожланиб бормоқда.

Шундай шароитда **мамлакатнинг ташқи иқтисодий имконияти** табиий ресурсларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларнинг барпо этилиши, инфратузилма, ижтимоий соҳа, маҳсулот ва хизматларнинг мамлакат ташқарисига экспорт қилиниши ёки чет эл фуқароларига, корхона ва ташкилотларига, шу жумладан республикадаги хорижий корхоналар ва қўшма корхоналарга сотилиши билан аниқланади.

Шунинг учун ҳам, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида нафақат аҳолининг озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига ҳамда турли хил хизматларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда балки, республикадаги барча ишлаб чиқариш соҳаларининг тайёр техника ва технологияга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ташқи савдо, яъни, экспорт

ва импорт муҳим ўрин эгаллаб, бугунги иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида унинг аҳамияти каттадир.

Мазкур масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида [1] “... ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш тўғрисида ...” ва шунингдек, “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 апрелдаги ПФ-5012-сон Фармонида [2] “... ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш, ташқи бозорлардаги талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кучайтириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва хилларини тизимли асосда таҳлил қилиш, ташқи бозорларда унинг рақобатдошлиги даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-куватлаш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, сотиш бозорларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, ишончли хорижий савдо шерикларини излаш ва танлашда хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг тендер савдоларида, ҳалқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркаларида ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган бошқа шундай тадбирларда иштирок этишларига амалий ёрдам кўрсатиш, импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини чуқур таҳлил қилиш, маҳаллий хомашё негизида импорт ўрнини босадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича концепция ва дастурлар ишлаб чиқишида қатнашиш, ташқи савдо асосий кўрсаткичлари параметрларини шакллантиришда ва Ўзбекистон

Республикасининг божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этиш, ташқи савдони либераллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар ва хизматлар), шу жумладан, ўзига хос товарлар ва саноат маҳсулотлари ташқи савдоси, шунингдек, ташқи савдода тариф ва нотариф бошқаруви чораларини қўллаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш ...” ва “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куvvatлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 3 ноябрдаги ФҚ-3351-сон Қарорларида [3] “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, экспортга божхона расмийлаштируви, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (ТСОЯЭА) хисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалга ошириш ...” каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, экспорт ва импорт муносабатларини ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви самарадорлиги масалалари бўйича муаммонинг умумий томонлари қатор иқтисодчи олимларимиз томонидан ўрганилган. Уларнинг ишлари хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти шароитида ташқи савдо ва экспорт-импорт муносабатларини самарали юритиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишига катта ҳисса қўшган, жумладан:

Н.И.Асқаровнинг илмий изланишларида “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ва божхона соҳаларини уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш” жараёнлари мавзусида божхона сиёсатининг моҳияти, уни самарали бошқариш ва иқтисодий хавфсизликка ёндошув негизида ташқи савдони божхона омили асосида бошқариш ва ташқи савдо таркибини оптималлашириш ишларини тартибга солиш каби жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган [4].

З.Ж.Адылованинг «Халқаро бозорга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида миллий хўжалик тараққиётида халқаро маркетинг ўрни, унинг услугбий жиҳатлари, мақсадли бозорларни танлашдаги аҳамияти, айниқса, илк бор хомашё ва тайёр маҳсулотларни халқаро бозорларга йўналтиришда “миллий маркетинг”, “экспорт маркетинги” ва “халқаро маркетинг” тушунчалари қиёсланган ва замонавий тамойилларга асосланган услугбий ёндошувлар таклиф этилган [5].

Ўзбекистон ташқи савdosида яқин йилларгача асосий ўринларидан бирини эгаллаб келган пахтачилик тармоғининг ривожланиш босқичлари, пахта толаси ва тайёр маҳсулотлари экспорт салоҳияти масалалари Д.Қ.Ахмедов, Р.В.Абдуллаев, М.Р.Болтабаев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан, А.Қ.Ахмедовнинг ишларида пахта

толасини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг макро ва микроиқтисодий муаммолари, пахтачилик истиқболлари ҳамда агросаноат мажмуидаги ўрни таҳлил этилган бўлса[6], Р.В.Абдуллаевнинг илмий ишларида пахта толаси бозори инфратузилмасини шакллантириш ва экспортни кенгайтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. М.Р.Болтабаевнинг ишларида эса текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ушбу жараёнларнинг маркетинг концепцияси ҳамда стратегиясига биноан бошқариш масалаларини чукур таҳлил этилиб, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари баён этилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда қўйилган масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлсада, лекин миллий хўжалик тараққиётида халқаро савдонинг ўрни, шунингдек, халқаро савдонинг келиб чиқиши, ташқи савдода экспорт ва импорт ҳамда уларнинг мақсадли бозорларни танлашдаги аҳамияти, халқаро бозорларнинг жозибадорлиги ва уларнинг истеъмол салоҳиятини баҳолаш аҳамияти, экспорт маҳсулотларни мақсадли бозорларга йўналтиришда ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграцияси стратегияларидан самарали фойдаланиш жараёнлари, бугунги кун талабидан келиб чиқсан ҳолда этиштириб берилаётган тайёр маҳсулотлар таркиби ва мамлакатлар географиясини кенгайтириш масалалари каби жиҳатлари деярли ўрганилмаган.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гурухлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуслардан кенг фойдаланилди.

Мамлакат ташқи иқтисодий потенциалини аниқловчи энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ишлаб чиқариш **ҳажми**, шу жумладан **ахоли жон бошига, ЯИМда товар ва хизматлар экспортининг улуши** ҳамда товарлар умумий экспорти ҳажмида саноат товарлари улуши ҳисобланади.

Аввало, ташқи савдо деганда нимани тушунамиз?

Ташқи савдо - бир мамлакатнинг бошқа мамлакат ёки **мамлакатлар билан олиб борадиган ўзаро товар алмашиш жараёни**дир. **Ташқи савдо мамлакатдан товар ва хизматлар чиқиши** (экспорт) ва **кириб келиши** (импорт)дан ташкил топади.

Экспорт ва импорт йиғиндиси мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини ташкил этади. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқнинг ривожланиши икки томонлама фойда олиш имконини беради.

Ташқи савдо мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг энг оддий ва энг қадими шаклидир. Инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлаган Буюк Ипак йўли қитъалараро савдони йўлга қўйди. Бу йўл қадимги ерларимиз худудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотиқнинг кенг қулоч ёйишига олиб келган.

Энди ташқи савдодаги экспорт ва импорт тушунчаларининг ўзи нима?

Экспорт (инг. export, лот. exporto – олиб чиқаман, четга чиқараман) – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қофозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқаришдир [7].

Товарларнинг экспорт таркиби фан-техника ютуқлари ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгариб боради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибидаги қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлишининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хом-ашё ва ёқилғи улуши факат 1/4 қисмини ташкил қиласди.

Хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қиласди. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёхлик хизмати кўрсатиш ва х.к.).

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли кўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қиласди ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради.

Импорт (инг. import – келтириш, олиб келиш) – мамлакатнинг ички бозорида сотиш учун, чет эл товарлари, хизматлари, технологиялар ва бошқаларни келтиришдир. Бунда мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатларидан юқори бўлган маҳсулотлар импорт қилинади [7].

Импорт божхона божлари, шунингдек, миқдорий чеклашлар, лицензиялаш тизими ва бошқа нотариф тарздаги воситалар билан тартибга солинади.

Экспорт салоҳияти (экспорт имкониятлари) – бу мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисмидир.

Қайсиdir мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун олган тақдирда реэкспорт рўй беради, **реимпорт эса** истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Агар мамлакатда экспорт миқдори импорт миқдоридан ошиб кетса, бу нималарга таъсир қиласди? [8]

Биринчидан, мамлакат олтин валюта захиралари ҳажмига таъсир қиласди. Чунки, экспортни биз хорижий валютага сотамиз ва ўз навбатида импортни ҳам хорижий валютага сотиб оламиз, яъни экспортнинг импортдан ошиши – мамлакатга соф хорижий валютанинг кириб келишини билдиради.

Иккинчидан, бу соф хорижий валютанинг кириб келиши ўз навбатида миллий валюта алмашув курсига таъсир қиласди:

Хорижий валюталар кириб келишининг ўсиши (соф экспорт > 0) \Rightarrow Валюта бозиридаги хорижий валюталарнинг ўсиши \Rightarrow бозордаги талаб ва таклиф қонунига асосан миллий валютанинг мустаҳкамланишини билдиради.

Учинчидан, халқаро иқтисодий инфратузулмадаги шартшароитларнинг яратилиши мамлакатдаги инфляцияга таъсир қиласи:

Экспорт товарлар нархининг ўсиши \Rightarrow хорижий валюталарнинг ўсиши (соф экспорт > 0) \Rightarrow Мамлакат ичида сўмга бўлган талабнинг ошиши (экспортчиларга сўм керак - қонун бўйича мамлакат ичидағи соликлар, иш ҳақи ва бошқа тўловларни олиб боришга) \Rightarrow Марказий банк бу талабни қондириши зарур – қоғоз пул чиқариш орқали (сўмнинг эмиссияси) \Rightarrow Иқтисодиётда инфляция тенденцияси рўй беради.

Тўртинчидан, Мамлакатнинг ташқи қарзи ҳажмига таъсир қиласи (мамлакатнинг ташқи савдодаги ижобий қолдиғи халқаро бозорларга қарамликни юмшатади ва мамлакатнинг ташқи қарзини хорижий валютада тўлаш имконини беради).

Бешинчидан, инвестициявий муҳитга ижобий таъсир қиласи (чунки, сармоячилар бундай ҳолатларга жиддий эътибор беришади).

Нима сабабдан мамлакатлар ташқи савдо ёки **халқаро савдо алоқаларини** янада кенгайтиришга аҳамият берадилар?

Чунки, **ҳар қандай айирбошлишнинг аҳамияти**, унинг самарадорлиги билан, шу жумладан, халқаро миқёсда хам келишилган битимлардан томонларнинг оладиган **самараси** билан белгиланади. Яъни, хоҳ товар ва хоҳ хизматлар савдоси бўлсин, айирбошлишдан олинадиган **афзалликка** ҳар бир қатнашувчи мамлакат эга бўлади ва натижада бутун жаҳон хўжалиги тизими ўзаро манфаатдор бўлади.

Мамлакатлар ўртасидаги **халқаро айирбошлиш** ва **халқаро савдонинг ривожланишида глобаллашувнинг аҳамияти** тўғрисида гапирадиган бўлсак, мамлакатлар қадим замонлардан буён моддий нознеъматларни тайёр маҳсулотлар ва турли хил ресурслар кўринишида ўзаро айирбошлаб келишган, яъни бир-бирлари билан **халқаро иқтисодий муносабатларга** киришишган. Ўз навбатида, айирбошлишнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ва товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига боғлиқ бўлган. Чунки, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бир томондан, мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратса, икккинчи томондан, турли хил хомашёлар, материаллар ва бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошиб бориши айирбошлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашувнинг шаклланиши мамлакатлар ўртасида савдо-иктисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келган [9]. **Глобаллашувнинг I босқичи** 1870-1913 йиллар мобайнида шаклланди ва бу давр мобайнида товарлар айирбошлиш 20 марта гача ошди ёки жаҳон ишлаб чиқаришининг 33 фоизини ташкил этди. **Глобаллашувнинг II босқичи** 1950-1973 йилларга тўғри келади ва бу давр жаҳон ишлаб чиқаришида ва

савдосида “олтин давр” ҳисобланади. **Глобаллашувнинг III босқич** даври ўз ичига 1983 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда ва бу босқичда жаҳон иқтисодиётида йирик интеграцион ҳудудлар, яъни НАФТА, Европа Иттифоқи, АСЕАН, АТЕС, МЕРКОСУР ҳамда Япония блокининг пайдо бўлиши ракобатбардош товарлар ишлаб чиқариш орқали дунё бозорларига кириб боришни асосий мақсад қилиб олдилар.

Ўз навбатида халқаро савдонинг ривожланиши Умумжаҳон савдо ташкилоти мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларини тартибга солиш, (**ГАТТ-the General agreement on tariff and trade**) назорат қилиш ёки бир неча мамлакатнинг бошқаларга нисбатан камситилишига йўл қўймаслик каби муҳим вазифаларни бажариши натижасини билдиради [10].

Мамлакатимизда халқаро савдо-иктисодий алоқалар ўрта асрлардан бошланган ва у бугунги интеграциялашув жараёнида ҳам ўз ўрнига эга.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг **халқаро савдони** эркинлаштиришнинг асосий омилларидан бири халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш ва ана шу ташкилотлар доирасида фаолият кўрсатиш жараёнларини фаоллаштириши зарур эди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти (ШХХТ), Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти (МОҲТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ), **Жаҳон Савдо Ташкилотининг кузатувчиси** (ЖСТ), Жаҳон Банки (ЖБ), Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ЮНЕСКО ва шу каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуvida Халқаро валюта фонди (ХВФ) билан ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ташқи сиёsat ҳар жиҳатдан дунёда ўз мавқеига эга ва халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишида ҳам ўрнак бўла олади.

Хўш, Ўзбекистон халқаро савдода иштирок этишининг барча ҳуқуқий-меъёрий талабларига жавоб берар экан, унинг иқтисодиётида **экспорт ва импортни ривожлантириш** орқали қандай имкониятларга эга бўлади?

Биринчидан, ташқи бозорга ўзининг тайёр маҳсулотлари билан чиқаётган ишлаб чиқарувчилар рағбатлантирилади, яъни улар маҳсулотларини экспорт қилиш орқали барқарор валюта захираларига эга бўладилар.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида техника ва технологияларни харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, ташқи бозорларни мониторинг қилиш орқали ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган импорт ҳамда экспорт товарлари ўрнини

босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш, янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради.

Тўртингидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Бешингидан, мамлакатимизда халқаро савдо-иктисодий алоқалар ривожланиши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви янада мустаҳкамланади.

Бир сўз билан айтганда мамлакат иқтисодиёти учун **экспортнинг аҳамияти** қўйидагиларда ифодаланади:

1. **ЯИМнинг ошишига ёрдамлашади** ва корхона ҳамда ташкилотларнинг янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради. Экспорт ҳажми қанча катта бўлса, шунча кўп маблағ давлат бюджетига тушади. Бошқа томондан, бу янада кўп маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини шакллантиради, бу учун эса янада кўпроқ ишчи-ходимлар ёлланишини тақозо этади. Демак, экспорт нафақат иқтисодиётни яхшилаш усули, балки ишсизликнинг юқори даражасига курашнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳамdir.

2. Мамлакатга чет эл валютаси оқимининг ошишига ёрдам беради. Хорижга ўз товарларини сотиб, Ўзбекистон компания ва корхоналари АҚШ доллари ёки еврова фойда оладилар. Шу учун экспорт мамлакатга чет эл валютасини жалб этишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Экспортнинг ўсиши, миллий валютани мустаҳкамлаш имконини беради ва давлатнинг мувозанатлашган савдо балансини ушлашга ёрдам беради. Аммо, шуни ҳам айтиш жоизки, экспортнинг импортдан кескин ошиб кетиши **савдо балансига салбий** таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Агар миллий валюта курси кескин кўтарилиб кетса, бундай ҳолда товарлар ва хизматлар нархларининг қимматлашуви натижасида уларнинг харидоргирлиги, рақобатбардошлиги ташқи бозорда тушиб кетади ва натижада экспортнинг камайишига олиб келади. Шу сабабдан ҳам мамлакатлар экспорт ва импортнинг балансини сақлашга ҳаракат қиласидилар.

2017 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2017 йил якуни бўйича 26,9 млрд АҚШ долл, ёки 2016 йил кўрсаткичига нисбатан 11%га ошган. Шундан, экспорт 13,9 млрд. АҚШ долларини (51,7%) ва импорт 13,0 млрд. АҚШ долларини (48,3%) ташкил қиласди ёки 2016 йилга нисбатан мос равишда 114,9 ва 107,2 %ларни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси сальдоси 880,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шунинг 729,3 млн. АҚШ долларини МДХ давлатлари ва 150,9 млн. АҚШ долларини бошқа давлатлар ташкил этган.

1-жадвал.

**Республиканинг ташқи савдо айланмаси
(2017 йилниг январь–декабрида)**


	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>2016 йилниг январь–декабрига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>Жамига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ташқи савдо айланмаси	26907,0	111,0	100,0
МДҲ давлатлари	9737,7	116,1	36,2
бошқа давлатлар	17169,3	108,4	63,8
Экспорт	13893,6	114,9	100,0
МДҲ давлатлари	5233,5	120,6	37,7
бошқа давлатлар	8660,1	111,7	62,3
Импорт	13013,4	107,2	100,0
МДҲ давлатлари	4504,2	111,2	34,6
бошқа давлатлар	8509,2	105,2	65,4
Сальдо	880,2	x	x
МДҲ давлатлари	729,3	x	x
бошқа давлатлар	150,9	x	x

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

Январь–декабрь ойлари учун МДҲ ва бошқа давлатларнинг республика ташқи савдо айланмасидаги улуши қуидагича ифодаланади:

1-расм.

**2017 йил давомида МДҲ ва бошқа давлатларнинг республика
ташқи савдо айланмасидаги улуши, %.**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

Республика резидентлари томонидан ташқи савдо операциялари асосан Осиё (47,4 %), Европа (42,7 %) ва Америка (2,3 %) давлатлари билан амалга оширилган бўлиб, жами савдо айланмасининг 92,4 % ташкил қилди.

2-жадвал.

**Республика ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича
тақсимланиши**

(2017 йилнинг январь–декабрида) млн. АҚШ доллари


	Экспорт	Импорт	Тақши савдо айланмаси	
			2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан % ҳисобида	Жамига нисбатан, %да
Жами ¹⁾	13893,6	13013,4	111,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Европа	6156,0	5325,7	112,3	42,7
Осиё	6023,1	6728,9	111,5	47,4
Америка	80,3	549,9	61,8	2,3
Африка	7,0	21,1	81,2	0,1
Австралия ва Океания	0,3	3,4	100,5	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

Умуман мамлакатимиз ташқи савдосида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. МДҲ мамлакатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари асосий ҳамкорларимиз ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 28,5 %ни ташкил қиласа, бошқа узоқ хориж ҳамкорларимиз орасида Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Германия, Афғонистон, Бразилия, Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Литва, Франция, АҚШ, Италия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 41,9 %ни ташкил қиласди.

¹⁾ Тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.


2-расм.
**Республика товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2017 йилнинг январь–декабрида)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.


2017 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуидагича ифодаланади:

3-расм.
2017 йил бўйича МДҲ ва бошқа давлатлар билан экспорт таркиби



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

4-расм.
2017 йил бўйича МДХ ва бошқа давлатлар билан импорт таркиби




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари.

Мамлакатимизда сўнги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиши тузилмаларида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида ташки савдода фақат **хомашё воситалари** билан қатнашувига барҳам берилди.

5-расм.

**Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан
фоизда (ташқи айлана 2017 йил январь–декабрь,
ички айлана 2016 йил январь–декабрь учун)**




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари.

Хусусан, экспорт таркибида пахта толасининг улуши (2000 йилда 27,5%га) кескин камайиб борган ва 2017 йил якунлари бўйича бу қўрсаткич 3,4%ни ташкил қилган. Шунингдек, экспорт таркибида бошқа товарлар групхи 35,7 % улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу групхга кирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1133,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 % ўсди, хизматлар 25,2%га, шундан 11,6 % транспорт хизматларига, 11,4 % эса туризм хизматлари хиссасига тўғри келган ҳамда энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари 13,8%га ва озиқ-овқат маҳсулотлари 6,3%га ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидаги ривожланиш тенденциясини кўрсатади.

Импорт таркибининг асосий улуши 38,9% билан машина ва асбоб-ускуналар групхи ва 16,5% билан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар групхи хиссасига тўғри келмоқда.

6-расм.

**Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(ташқи айлана 2017 йил январь–декабрь,
ички айлана 2016 йил январь–декабрь учун)**




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари.

Мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг яқин келажакда асосий салмоғидан бирини ташкил қилиши кутилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспорти ҳажми 2017 йил якунлари бўйича 708,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, ёки ўтган 2016 йилга нисбатан 15,6 %га ошди.

Ташқи савдо айланмасидаги **мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспортида** асосий ҳамкор давлатлар Қозогистон (умумий ҳажмдан 46,4%), Россия (18,0%), Афғонистон (6,6%), Хитой (5,7%), Туркия (4,5%), ва Қирғизистон (4,3%) ҳисобланади. Олиб борилган статистик таҳлилларимиз кўрсатишича, мева-сабзавот маҳсулотлари 2016 йилда 697 та экспортёр томонидан 51 та давлатга экспорт қилинган бўлса, 2017 йилда 929 та экспортёр томонидан 62 та давлатга экспорт қилишга эришилди.

7-расм.

Йирик хамкор давлатлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспортдаги улуши, %



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти турлари ва географияси йилдан йилга кенгайиб, Болгария, Шри-Ланка, Индонезия, Филиппин, Греция, Қатар, Харватия ва Мальта давлатларига биринчи маротаба 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Жумладан 2017 йилда қуритилган мевалардан магиз ва ўрик туршаги Болгария ва Шри-Ланка давлатларига, қовун Канада давлатига, узум, нок, гилос маҳсулотлари Мўғилистон давлатига экспорти амалга оширилди.

Хуроса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакат барқарор халқаро иқтисодий муносабатларни таъминлашга интилади. Чунки, халқаро иқтисодий муносабатлар, **биринчидан**, халқаро даражада миллий маҳсулот ҳажми ва улардан олинадиган даромаднинг қўпайишини, **иккинчидан**, бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни, **учинчидан**, халқаро иқтисодий муносабатларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар нуфузининг ошишига олиб келади ва энг асосийси аҳолининг фаровон яшашини таъминлайди.

Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида экспортни янада қўпайтиришнинг истиқболли имкониятлари қуидагилардан иборат. Яъни:

- мамлакатдаги нафақат сиёсий барқарорлик, балки ўз навбатида иқтисодий барқарорликнинг ҳам таъминланганлиги;

- мамлакатимизда савдо-сотиқни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг мавжудлиги;
- мамлакатнинг тўғридан-тўғри денгиз йўллари мавжуд бўлмасада, қулай географик жойлашуви, яъни Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлайдиган Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги;
- қишлоқ хўжалиги ва уни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкониятларининг юқорилиги ҳамда мамлакатнинг турли хил минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;
- экспортчи корхоналарга қўшимча имтиёз ва преференцияларнинг ажратилаётганлиги;
- анъанавий бозорлардан четлашган ҳолда экспорт географиясини диверсификация қилиш, саноат корхоналари фаолиятини жадаллаштириш, маҳаллий брендларни илгари суриш;
- тайёр маҳсулотлар турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқалар;
- савдо муносабатлари ва инвестициялар ихтиёрий давлат учун иқтисодиёт ривожи манбаи бўлиб келганлиги учун ташқи савдода турли тўсиқ ва чекланишлар олиб ташланиши ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда фаол иштирок этаётган хорижий ҳамкорларимиз ўз муносабатларини янгидан кўриб чиқмоқда ва мамлакатимиз фойдасига кенгайтирмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлик доирасида товарлар ва хизматлар савдоси, саноат ҳамкорлиги, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, давлат буюртмалари, стандартлаш, хомашё ва тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуаси, энергетика, транспорт, атроф-муҳит ҳимояси, телекоммуникация, хусусийлаштириш, ижтимоий соҳада, кичик корхоналар, истемолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш, божхона иши ва айниқса туризм каби соҳалар ўз аксини топган.

Умуман олганда, ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, мамлакат ташқи савдосида экспорт ва импортнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармони ПФ-5012 13.04.17 й. http://taraqqiyot.uz/about/article_post/tashk-i-savdo-so-asida-boshk-aruv-tizimini-takomillashtirish-chora-tadbirlari-tugrisida.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ФҚ-3351 03.11.17 й. https://www.norma.uz/raznoe/tashqi_savdo_faoliyatini_yanada_erkinlashtirish_va_tadbirkorlik_subektlarini_qullab-quvvatlash_chora-tadbirlari_tugrisida

4. Асқаров Н.И. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ва божхона соҳаларини уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси, 08.00.13 Менежмент ва маркетинг. 2016 й. ТДИУ кутубхонаси.

5. Адылова З.Дж. Халқаро бозорга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. Докторлик диссертацияси. 08.00.13 Менежмент ва маркетинг. 2008 й. ТДИУ кутубхонаси.

6. Ахмедов Д.К. Эффективность функционирования хлопководства Узбекистана. –Т.: ГФНТИ.

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашри, 2005 й. 4-жилд.139-б. 10-жилд.169 б.

8. <https://otvet.mail.ru/question/42036359>.

9. Ишмуҳаммединов А.Э., Суннатов М.Н., Шибаршова Л.И., Жаҳон Иқтисодиётига интеграция, Тошкент: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси”, 2004. 6-10-бетлар.].

10. Болтабоев М., Кўчаров А., Зикриёев А., Ўзбекистоннинг халқаро савдода тутган ўрни. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2005. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. 6-12 б.

11. Сайдкаримова М.Ю. Халқаро тижорат иши. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. 7 б.

12. Исламов Б.А. Марказий Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг қиёсий таҳлили. Докторлик диссертацияси. 08.00.11 Менежмент ва маркетинг. 2008 й. ТДИУ кутубхонаси.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси расмий сайт: <https://stat.uz/uz/>